

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА  
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАРИХИ”**

**фанидан талабалар Республика онлайн фан олимпиадасини ижодий иш  
шаклида ташкил этиш дастури, баҳолаш мезонлари ва ўтказиш**

**ТАРТИБИ**

**ТЕРМИЗ – 2020**

## КИРИШ

Талабалар Республика онлайн фан олимпиадасини ўтказиш бўйича тузилган ушбу дастур «Тасвирий санъат тарихи» фани ўқитиладиган Олий таълим муассасаларига мўлжалланган.

Ушбу дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режаси, Давлат таълим стандартлари, малака талаблари ҳамда намунавий фан дастури асосида тузилган.

Мазкур дастурда «Тасвирий санъат тарихи» фанидан ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадасини ўтказиш ҳақида маълумотлар берилган.

### Ташкилий қўмита таркиби:

А.Саттаров	-раис, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор.
А.Мамадалиев	-раис ўринбосари, ОЎМТВ Иқтидорли ёшларни саралаш, академик лицейлар ва ихтисослашган таълим муассасалари бўлими бошлиғи.
З.Қурбонова	-масъул котиб, ТерДУ ИТИТФТЭБ бошлиғи в.б.
А.Тўрақулов	-аъзо, ТерДУ, “Санъатшунослик факультети декани, PhD.
Х.Тураев	-аъзо, ТерДУ, “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедраси мудирини, катта ўқитувчи.
Р.Халилов	-аъзо, ТДПУ, Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудирини, доцент.
Н.Ёдгоров	-аъзо, БухДУ, “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедраси мудирини, п.ф.н., доцент.
И.Камолов	-аъзо, ҚарДУ, “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедраси мудирини, PhD.
Х.Хасанов	-аъзо, ТерДУ, “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедраси доценти в.б.
Ч.Садатов	-аъзо, ТерДУ, “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедраси катта ўқитувчиси.
О.Тураев	-аъзо, ТерДУ, “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедраси ўқитувчиси.

## I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур дастур талабалар ўртасида Республика онлайн фан олимпиадасини (кейинги ўринларда Олимпиада деб юритилади) ташкил этиш, ўтказиш ҳамда унда қатнашиш ва олимпиада ғолибларини аниқлаш тартибини белгилайди.

1.2. Олимпиадани ўтказишга Вазирлик хузуридаги Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси, Таълим муассасаларида электрон таълимни ривожлантириш маркази ҳамда Термиз Давлат университети масъул ҳисобланади.

1.3. Олимпиада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2020 йил 23 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон қарорида** белгиланган талабларни инобатга олиб, олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда ОТМ деб юритилади) талабаларининг мутахассислик ва умумқасбий фанлар бўйича ўз қобилиятларини намоён этиш, ривожлантириш ва уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқаришга кенг имкониятлар яратишга йўналтирилган.

1.4. Олимпиадани ташкил этиш юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг **2020 йил 1 майдаги “Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган Республика фан олимпиадастнт онлайн шаклида ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 275-сон** буйруғи асосида Республика фан олимпиадасини онлайн шаклида ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби юқоридаги шакл бўйича тасдиқланган.

1.5. Ташкилий қўмита олимпиаданинг ташкилий-техник ва ахборот тизимларини, комиссия таркиби ва бевосита унинг ишини ташкил этиш, олимпиада ғолиблари ва иштирокчиларини рағбатлантириш вазифаларини таъминлайди.

1.6. Олимпиада ҳар бир Олий таълим муассасаси томонидан (ғолибликни қўлга киритган) 1 (бир)та талаба иштирок этиши мумкин ҳамда ушбу иштирокчилар учун ягона ахборот порталини яратиш, узлуксиз ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш талаба таҳсил олаётган ОТМ томонидан амалга оширилади.

1.7. Олимпиада «Тасвирий санъат тарихи» фанидан ижодий (оғзаки савол-жавоб) иш шаклида ўтказилади.

1.8. Олимпиаданинг адолатли ўтказилишини назорат қилиш ҳамда натижаларини таҳлил этиш вазирликнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси ҳамда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

## II БОБ. ФАН ОЛИМПИАДАСИНИ ОНЛАЙН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

2.1. Олимпиада 2020 йил 22 май куни ўтказилади.

2.2. Олимпиада иштирок этувчи талабалар жорий йилнинг 5-15 май кунлари вазирликнинг [olimpiada.edu.uz](http://olimpiada.edu.uz) портали орқали танлаган фани бўйича электрон рўйхатдан ўтишлари лозим.

2.3. «Тасвирий санъат тарихи» фани бўйича рўйхатдан ўтган талабалар сонидан келиб чиққан ҳолда, олимпиадани ўтказиш санаси ва вақти бўйича жадвал шакллантирилади ва жорий йилнинг 20 май куни [olimpiada.edu.uz](http://olimpiada.edu.uz) порталига жойлаштирилади.

2.4. Электрон рўйхатдан ўтган талабаларни шахсини тасдиқлаш ишлари ОТМлар томонидан жорий йилнинг 18-20 май кунлари амалга оширилади.

2.5. «Тасвирий санъат тарихи» фани бўйича ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадаси алоҳида келишилган жонли видео конференция тизимлари (Zoom, JitsiMeet) орқали тўғридан-тўғри яъни, онлайн тарзида ўтказилади, назорат қилинади ва ёзиб борилади. Шу сабабли иштирок этувчи талабалар ва уларнинг илмий раҳбарлари (ҳар бирлари алоҳида) шахсий ноутбук, компьютер ёки мобил телефон қурилмаларига видео конференция тизимларидан (Zoom, JitsiMeet) фойдаланиш имкониятини берадиган дастурини ва иловаларни юклаб олиши ва уни техник соз ҳолатда бўлишини таъминлашлари зарур. Олимпиада ҳужжатларини, иштирокчилар бажарадиган ишларни, тарқатма материалларни қабул қилишда, алмашишда ва комиссия аъзолари ўзаро мулоқат ўрнатишда бошқа алоқа тизимлари (telegram) ҳам қўлланилиши кўзда тутилган. Талабалар берилган топшириққа тайёргарлик кўраётган ва унга жавоб бераётган вақтда уларнинг ёнида ҳеч ким (асосан илмий раҳбарлари) бўлмаслиги, ҳалақит бермаслиги бўлса ҳам номутахассис шахс бўлиши талаб этилади. Барча ОТМлари юқоридаги масалалар юзасидан талабалар ва уларнинг илмий раҳбарларига шарт-шароитлар яратиб бериши ва номақбул ишларни олдини олишлари лозим.

2.6. Иштирокчи талаба танланган вариант бўйича маълумот ва қўшимча саволларга жавоб бериш вақтида Zoom видео конференция дастури ўрнатилган шахсий ноутбук, компьютер ёки мобил телефон қурилмаларидан бири талабанинг юзи (юз тузилиши)ни комиссия аъзолари кўриши ва бевосита ёзиб олинishi учун қулай ҳолатда ўрнатилиши лозим.

2.7. Талабалар танлаган фанлари бўйича олимпиадани ўтказиш санаси ва вақти бўйича жадвал асосида [olimpiada.edu.uz](http://olimpiada.edu.uz) порталига киришлари лозим бўлади.

2.8. Олимпиада ўтказилган «Тасвирий санъат тарихи» фани бўйича ижодий (оғзаки савол-жавоб) иш шаклидаги топшириқлар натижалари

масъул ОТМ томонидан 24 соат ичида тақдим этилган маълумотлари асосида [olimpiada.edu.uz](http://olimpiada.edu.uz) портали орқали эълон қилинади.

2.9. Олимпиада иштирокчиларининг ахборот-коммуникация технологияларининг имконияти ва қурилмаларидаги техник носозликлар бўйича шикоят ва аризалар кўриб чиқилмайди.

2.10. Олимпиадани ўтказиш жараёни ва натижалари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситаларида ҳамда Вазирлик, ОТМ расмий веб-сайтларида ёритилади.

### **III БОБ. ФАН ОЛИМПИАДАСИНING ТУРИ, ШАКЛИ ВА БЕЛГИЛАНГАН ВАҚТ**

3.1. «Тасвирий санъат тарихи» фани бўйича ўтказиладиган талаблар Республика онлайн фан олимпиадаси асосан битта турда ўтказилади:

**Тур шарт** – *Маишур рассомларнинг асарларини бадиий таҳлил қилиш (ўзбек тилида);*

**Тур шакли** – *Ижодий (оғзаки савол-жавоб) иш.*

3.2. Олимпиадани онлайн ўтказиш мақсадида телеграммда “Tasviriy san’at tarixi 2020” номли махсус гуруҳ яратилган. «Тасвирий санъат тарихи» фани бўйича онлайн фан олимпиадага қатнашувчилар ушбу каналга уланиб, ўзларининг қизиқтирган саволларга қонун доирасида жавоб олишлари мумкин.

3.3. Олимпиада эрталаб 09:30 да бошланади унда қатнашувчи талабалар 30 (ўттиз) дақиқа давомида регистрация (рўйхат)дан ўтишади ҳамда барча қатнашувчи талабалар 20 (йигирма)та вариантлар ичидан рақамлар орқали кетма-кет биттадан вариант (ижодий асар) танлашади.

3.4. Олимпиада соат 10:00 да бошланади. Берилган ижодий (оғзаки савол-жавоб) иш топшириғини бажариш учун ҳар бир талабага 3-5 (уч, тўрт, беш) дақиқа вақт ажратилади. Иштирокчилар танланган вариант бўйича маълумот берадилар ва комиссия томонидан берилган қўшимча саволларга ҳам тўлиқ жавоб берадилар. Барча талабаларга ажратилган вақт якунлангач Zoom дастури орқали талабаларнинг ўзлари танлаган вариантлари бўйича ва қўшимча саволларга берган жавоблари ёзилган видео ташкилий қўмигага электрон шаклда топширилади ва у комиссия аъзоларига онлайн текшириш учун тақдим этилади.

3.5. Комиссия аъзолари бевосита талабалар томонидан берилаётган маълумот ва жавобларни онлайн тарзда кузатиб боришади.

3.6. Комиссия аъзолари ижодий (оғзаки савол-жавоб) ишларни баҳолашда алоҳида яратилган видео-конференция ёки телеграмм канал орқали амалга оширишади. Олимпиада натижалари охириги иштирокчиларнинг

ёзиб олинган видеоси кўриб чиқилгандан кейин 2 (икки) соат ичида эълон қилинади.

#### **IV БОБ. ФАН ОЛИМПИАДАСИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

«Тасвирий санъат тарихи» фани бўйича ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадаси бўйича баҳолаш мезони қуйидагича амалга оширилади:

**Жами:** 100 баллик тизимда баҳоланади.

<b>№</b>	<b>Баҳолаш мезони</b>	<b>Ажратилган мак. балл</b>
1	Берилган асарнинг муаллифини тўғри айтиб берганлиги учун	<b>12 балл</b>
2	Берилган асарнинг яратилган даврини тўғри айтиб берганлиги учун	<b>14 балл</b>
3	Берилган асарининг муаян тегишли йўналишини тўғри айтиб берганлиги учун	<b>12 балл</b>
4	Асарнинг композицион тузилишини тўғри айтиб берганлиги учун	<b>14 балл</b>
5	Асарнинг ғоявий негизини тўғри айтиб берганлиги	<b>14 балл</b>
6	Асарнинг колорит муносабатларини тўғри таҳлил қилиб берганлиги учун	<b>14 балл</b>
7	Асарнинг тарбиявий ахамиятини тўғри айтиб берганлиги учун	<b>14 балл</b>
8	Асар бўйича қўшимча саволларга тўғри (тўлиқ) жавоб берганлиги учун	<b>6 балл</b>
<b>Жами:</b>		<b>100 балл</b>

#### **V БОБ. ОЛИМПИАДАНИ ЯҚУНЛАШ ТАРТИБИ**

Олимпиада натижалари Ташкилий қўмита томонидан вазирликнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармасига жўнатилади. Натижалар вазирлик томонидан эълон қилинади.

#### **VI БОБ. НИЗОЛАР (АПЕЛЛЯЦИЯ)НИ КЎРИШ ТАРТИБИ**

Олимпиада натижалари эълон қилингандан сўнг 24 соат ичида тушган ёзма шикоят ва аризалар Ташкилий қўмита томонидан (Zoom дастури орқали ёзиб олинган видео асосида) онлайн шаклда жисмоний ва юридик шахслар муурожаати тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳал этилади.

**Эслатма!** - Агарда талаба фан олимпиадаси давом этаётган даврда ўзи ёки ўзи таҳсил олаётган ОТМ томонидан йўл қўйилган техник носозликлар (интернет ёки электр токининг узилиши в.х.) сабабли онлайн алоқадан чиқиб кетса;

- Илмий раҳбари ёки бошқа мутахассисдан ёрдам олса;

- Тайёр (олдиндан тайёрлаб қўйилган) маълумотлардан фойдаланишга уринса ва шу каби номақбул ишларни амалга оширса, бу ҳолатда шаффофлик ва ҳаққонийликни таъминлаш мақсадида талаба фан олимпиадасидан четлаштирилади ва баённома билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳолат бошқа ОТМларида такрорланмаслигини таъминлаш мақсадида ушбу талаба ва у таҳсил олаётган ОТМ раҳбариятига қатъий чора кўриши учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига расмий хат билан мурожаат қилинади.